



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 20-iyul. Shanba • 86 (31.676)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббускор бўлиши, фаоллик ва талабчанлик билан ишлаши зарур.

Мен нега ЎзХДПни танладим?



Зулфия издошлари сафимизга қўшилишди

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ЎзХДПлик билан ҳамкорликда ташкил этган анжуманда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларида фикр алмашилди. Унда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳам қатнашди.

→ 2

Бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар

Энг фаол ва ташаббускор БПТ

бизнинг партия ташкилотимиз бўлиши керак, дея таъкидлашди «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бирлашган таҳририяти ходимлари



Дарахт илдизсиз кўкармагани каби сиёсий партия ҳам бошланғич ташкилотларсиз том маънода сиёсий кучга айлана олмайди. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бирлашган таҳририятидаги Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида бу фикр яна бир бор такрорланди. Йиғилишда БПТнинг ўтган даврдаги фаолияти муҳокама этилди, олинган турган энг муҳим вазифалар белгиланган.

Таъкидландики, бошланғич ташкилот партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб фаолият кўрсатмоқда. Энг аввало партиямиз гоёларини кенг тарғиб қилиш, амалий ишларини изчил ёритиб бориш, таҳририят ходимлари сиёсий билими, маданиятини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда. Бу борада БПТ аниқ тақлифларни илгари сурмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Қонун лойиҳалари муҳокамаси

Хар йили юртимизда ярим миллионга яқин ёшлар касб-хунар коллежларини тамомлаб, меҳнат бозорига кириб келяпти. Уларнинг келажаги қандай бўлади? Касб-хунарни мутахассис сифатида улар ишли бўлиши, бирон соҳада кучи, билимини сарфлаб, аввало, ўз ҳаётини фаровон қилиши, мамлакат тараққиётига ҳисса қўиши керак. Мамлакатимизда аҳоли, хусусан, таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган изчил сиёсат шу мақсадга қаратилган.

Фракция ўз тақлифларини қатъий ҳимоя қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини шу нукта-назардан яна бир бор муҳокамадан ўтказди. Мазкур қонунлар лойиҳалари

нинг энг муҳим хусусиятларидан бири меҳнат бозорига кириб келаётган таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш асосларини мустаҳкамлаш, улар билан биринчи марта меҳнат шартномаси тузилганда иш берувчи ва мутасадди идоралар масъулиятини оширишдан иборат. Фракция аъзолари бу меъёрларни қонун лойиҳаларида аниқ акс эттириш, бандликка оид қонунчиликда ижтимоий ҳимоя тамойилини янада мус-

таҳкамлаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Фракция аъзоси Улугбек Хожиевнинг таъкидлашича, сўнгги уч йил давомида фракциянинг Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси юзасидан ўтказган мақсадли назорат-таҳлил ишларининг ҳулосалари, шу масаладаги парламент эшитувлари натижалари таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш кафолатларини қонун орқали мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатган.

(Давоми 2-бетда.)

Ҳамкорликни мустаҳкамлашга бағишланди

Бўстонлик туманидаги «Хожикент» дам олиш масканида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш, журналистларнинг халқаро гуманитар ва ҳуқуқ соҳаси бўйича билимларини ошириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбирда Халқаро Қизил хоч қўмитасининг Марказий Осиёдаги ҳудудий ваколатхонаси раҳбари вазифасини бажарувчи И.Асламов, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти раиси Х.Каримов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида фуқаролик жа-

миятини ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилганга ўз самарасини бераётганини таъкидлади.

Тўрт кунлик семинар давомида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига оид меъёрий ҳужжатлар, халқаро ҳаракат эмблемалари ва уларни тўғри қўллаш, волонтерлик, турили виторинадар, мулоқот ва машғулотлар, факулдада вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатишга доир тренинглар ташкил этилди.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220

Муносабат

Сиз баҳорда намхўш ернинг бағри исийганини ҳис қилганмисиз? Ёки бошқаларни кўтара олмай шамолда чайқалаётган галлазорни оралаганмисиз? Агар ана шу далапарни кезсангиз, тирикликнинг тенгсиз неъматини бўлган она замин сизни бутунлай мафтун қилиб қўяди.

Ҳаммаси эътибор ва ғамхўрлик туфайли

Мухтарам Президентимизнинг мамлакатимиз галлазорларига табригини жон дилим билан тинглар эканман, шу ҳислар кўнглимдан яна бир бор ўтди, шу юрда яшаётганим, ерга меҳрим тушгани, деҳқонлигимдан, рости, фахрландим.

Агар билсангиз, туманимиз галлазорларини Президентимиз бир неча бор келиб кўрган, ҳосилдорлигини ошириш юзасидан қимматли маслаҳатлар берган. Эсимизда, бир неча йил олдин келганларида галлазорлар билан маслаҳатлашиб, алоҳида илмий тадқиқот институти ташкил этиш вақти келганини айтган эдилар. Бугун бошоқли дон селикқияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти жаҳон тажрибасини ўрганиб, сара ва маҳаллий шароитга мос навларни яратиб бермоқда. Чунки сара уруғсиз, замон илми фансиз деҳқончиликни ривожлантириш мумкин эмас.

Бундан ташқари, деҳқонларимизга қимматли ўғитлар ўз вақтида етказиб берилмоқда, транспорт хизмати кўрсатиш, ирригация ва суғориш тизимини такомиллаштиришга катта маблағ ажратиб келинмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги изчил тадбирлар юқори самарасини бераяпти. Шунинг учун ҳам хирмонларимиз чаш-чаш.

Биргина бизнинг фермер хўжалигимиз 150 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Барча техникага эгамиз. Бу йил 31 гектар ерда галла етиштириб, давлатга 134 тонна дон етказиб бердик. Шартнома режасини 117 фоиз қилиб бажардик. Хўжалигимиз аъзолари ҳам яхши манфаатдор бўлишди, даромадимиз ошди.

Юртбошимиз фермер қишлоқдаги ўзгаришларнинг ташаббускорлиги, ташкилотчилиги бўлиши керак, деганлар. Биз ҳам қишлоғимизни обод қилиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қишлоққа кўмак бериш ишларига имкон қадар ҳисса қўшиб келаямиз. Нуробод қишлоғимизнинг 1,5 километр йўлини асфальтлаш учун ҳомийлик қилдик.

Имкониятларимиз кенгайиб, хирмонларимиз донга тўлаётгани, рўзгоримизга кут-барака кираётгани, қишлоқларимиз янада обод бўлаётгани — буларнинг барчаси Юртбошимизнинг алоҳида эътибори, ғамхўрлиги, ҳукуматимиз амалга ошираётган изчил чора-тадбирлар натижаси, деб биламан.

Рустам Жўраев,
Қарши туманидаги «Нуробод» фермер хўжалиги раиси,
халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси.

Насибаси бутун халқмиз

Бугунги улкан галла хирмони, аввало, деҳқону фермерларга яратилган шарт-шароитлар, қишлоқ хўжалигидаги катта ислохотлар туфайли эришилган натижадир. Мустақилликнинг дастобки йилларини яхши эслаيمان. Нон, озиқ-овқат масаласи жуда оғир аҳволда эди. Дўконлар ҳувиллоб қолган, одамлар далага чиқиб бошоқ теришга тушган, эртага нима бўлади, деган савол ҳаммамни таҳликага солган пайтлар эди. Юртбошимиз галла мустақиллигига эришишдек ўта муҳим вазифани кун тартибига қўйди. Бунинг учун шарт-шароит яратилди. Катта савй-ҳаракат, сафарборлик бошланди. Ер ўз эгасига топширилди. Эски, қолоқ қишлоқ хўжалиги бошқарувида ваз кечилди. Ўз вақтида қилинган бу ишларнинг натижаларини эса кўриб турибмиз: дўконларда ноннинг юз хил тури...

Бизнинг «Сабир» фермер хўжалиги 1998 йили асос солинган. 77 гектар еримиз бор, 4 та қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд. Хўжалигимиз мева-сабзавот, полиз экинлари билан бирга, пахта, бўғдой экиб, давлат шартномасини ҳар йили ўз вақтида ортиқча билан бажариб келмоқда.

22 гектар ерга бўғдой экиб, шартнома режасида кўрсатилган 36 тонна ўрнига 40 тонна галла топшириб, шартнома режасини Қорақалпоғистон Республикасида биринчилардан бўлиб бажардик. Мамлакатимизнинг улкан хирмонда фермер хўжалигимизнинг ҳам озгина ҳиссаси борлиги бизга фахр ва ифтихор бағишлайди.

Албатта, ерга қанча меҳр берсанг, она ер ҳам ўз бағридан шун-

ча мўл ҳосил беради. Бизнинг шароитда кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Табиатнинг инжиқлигини енгиш ҳам осон эмас. Президентимизнинг табригини эшитиб, галлазорларнинг меҳнатини ҳурматлаб айтган гапларидан чарчоларимиз чиқиб, кўнглимиз кўтарилди, ғайратимиз янада ошди.

Нон — рўзгорнинг тўқинлиги ва фаровонлиги белгиси. Шўкр, дастурхонларимиз нонга тўла. Демак, рискимиз бутун, Юртимизда фаровонлик, овулларимизда байрам. Булар ҳаммаси ўз меҳнатимизнинг самарасидир.

Женис САБИРОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги «Сабир» фермер хўжалиги бошлиғи,
ЎЗХДП аъзоси.

